



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 6 февраль, № 25 (5699)

Чоршанба

Ишонч Ёрлиқлари Топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга 5 февраль куни Оқсаройда Швейцария Конфедерацияси, Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги, Афғонистон Ислон Республикаси, Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Никола Брюль, Муҳаммад Нур Усмон Юсуф Балқар, Муҳаммад Содик Даудзай, Гусейн Кулиев ишонч ёрлиқларини топширди.

Президентимиз дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини Ўзбекистонда шарафли ва масъулиятли вазифани бошлаётгани билан самимий қутлади ва ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятига муваффақият тилади.

Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида анъанавий конструктив ва ўзаро манфаатли муносабатлар йўлга қўйилган. Икки мамлакат ҳам ўзаро алоқаларни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан манфаатдор.

Ўзбекистонда бугунги кунда Швейцария капитал иштирокида тўзилган 82 корхона фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ишбилармон доиралари иқтисодиётнинг турли тармоқларида юқори технологик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш билдирмоқда.

Никола Брюль ўзаро муносабатларни кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади ва бу борада бор куч ҳамда имкониятларини ишга солишга тайёр эканлигини қайд этди.

Ўзбекистон ва Иордания турли соҳаларда, аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти сингари кўп томонлама тузилмалар ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик бўйича салмоқли таъриба тўплаган.

Мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро алоқаларни фаоллаштиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Иордания элчиси Подшоҳлик раҳбарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарамадан ишончли тарзда барқарор ривожланаётган Ўзбекистон билан алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг 2012 йил октябр ойида Озарбайжонга расмий таширифи савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик равишлари янги суръат бахш этди.

Гусейн Кулиев, авваломбор, давлатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик борасида тўплаган таърибани янада бойитиш, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилувчи янги қўшма лойиҳалар ва келишувларни ҳаётга изчил татбиқ этишини ўзининг элчи сифатидаги муҳим вазифаси, деб билишини таъкидлади.

(ЎЗА).

Инвестициявий лойиҳалар ва самарадорлик

Юртимизда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиши билан қурилиш материалларига бўлган талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бораётир. Пировардида маҳаллий ишбилармонларимиз томонидан импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотларнинг янги-янги турларини тайёрлаш ўзлаштирилмоқда.

Маҳаллийлаштириш

Албатта, намунавий лойиҳалар, замонавий меъморчилик андозалари асосида тикланаётган иморатлар кўрам ва муҳташам, шу билан бирга, мустаҳкам бўлиши талаб этилади. Бу эса нафақат бинокорлар маҳоратига, балки қурилиш маҳсулотларининг сифатига ҳам боғлиқ.

Айни пайтда Андижон вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар юртимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити, кўплаб имтиёзлар ҳамда ҳудуднинг хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда айнан ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишяпти.

Олтинкўл туманининг Кўмакай қишлоғидаги цемент ва цемент маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Кезар” масъулияти чекланган жамияти фаолияти ҳам бунга мисол бўла олади. Корхона бундан икки йил муқаддам маҳаллий тадбиркор Хушнудбек Асқаров ташаббуси билан ташкил этилган эди. Ўшанда лойиҳа рўёби учун 85 минг АҚШ долларидан иборат хорижий инвестиция ҳамда жамиятнинг 700



миллион сўмлик маблағи йўналтирилди.

— Ушбу сармоя эвазига чет элдан илгор технологияларни харид қилдик, — дейди жамият раҳбари Х. Асқаров. — Мутахассисларимиз қисқа муддатда

уларни бошқаришни пухта ўзлаштириб олишди. Ҳозир жамоамизда қишлоқ ёшларидан 50 нафари меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти касб-хунар қоллежлари битирувчиларидир. Ҳозир Бу-

лоқбоши туманидаги тош қонидан келтирилаётган хом ашёни қайта ишлаб, ойига 13 минг тоннадан зиёд маҳсулот тайёрлаяпмиз.

(Давоми 2-бетда).



Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш – устувор мақсад

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим таркибий қисми саналган мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш йўлида босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йилда қабул қилинган “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ва “Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари моҳият-эътибори билан бу борадаги янгиланиш ҳамда ўзгаришларни янги босқичга олиб чиқди. Мухбиримиз ислохотларнинг бориши, хусусан, ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош МУСТАФОЕВга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

Жараён

— Маълумки, ҳуқуқий-демократик давлатда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, аввало, суд тартибиде ҳимоя қилинади, — дейди Б. Мустафоев. — Мамлакатимизда истиқлолнинг ilk йилларидан бошлаб Президентимизнинг ташаббуси билан мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш йўлида амалга ошириб келинаётган тарихий аҳамиятга эга ислохотлар замирида ҳам жамиятимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш каби эзгу мақсадлар муҳимсамдир. Шу ўринда ушбу ислохотларга қўсқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, ўтган йиллар давомида жиноят-процессуал, фуқаролик-про-

цессуал қонунчилиги жиддий ислох қилиниб, суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарилди. Айни чоғда умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Натижада жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

Бугунги кунда фуқаролар биринчи инстанция суди қароридан норози бўлган тақдирда, ҳуқуқ ва манфаатларини қассация инстанциясида, ўз авдоқати ишларида ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлишди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция суди қарорига

нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жорий этилган ушбу янгилликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш ҳамда суд фаолиятида сансалоликка йўл қўйилмаслигининг кафолатига айланди. Бунга рақамлар ҳам тасдиқлайди. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибиде тузатилган бўлса, 2012 йил якунларига кўра, бундай ҳолатларнинг 89 фоиздан ортиги апелляция ва қассация тартибиде бартарф этилди.

Ўтган даврда иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамол ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрни-

га жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Унга кўра, жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамоилларида зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш кўринишидаги жазо тури чиқариб ташланди. Айни чоғда давлатимиз раҳбарининг бевоқиф ташаббуси билан 2001 йилда қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун билан жиноятларнинг таснифи ўзгаририлди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилди. Бугунги кунда иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамол ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жорий шаклидаги иқтисодий санкция қўлланилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Режалар таҳлили, амалий натижалар сарҳисоби

Фаоллар йиғилиши

Аввал маълум қилинганидек, жойларда бўлиб ўтаётган фаоллар йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган долзарб вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар беради.

Тошкент вилояти

Йиғилишни вилоят ҳокими Р. Холматов бошқарди. Унда ўтган йили ижтимоий-

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари-

ни модернизациялаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес

ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Жумладан, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,2 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари тайёрлаш 7,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,7, жами хизматлар 12,2, чакана савдо айланмаси эса 11,4 фоизга кўпайди.

(Давоми 2-бетда).



Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар кўпаймоқда

2012 йилда “Навоний” эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан қарийб

80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мақсуд саноат ҳудудига инвестициялар, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинган ҳолда, халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган истиқболли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилгани туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

БИР РАҚАМ ШАҲРИ

Қисқа

сатрларда

● Фарғона вилоятининг Риштон туманида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда адлия, солиқ, банк тизими мутахассислари томонидан оилавий бизнес вакилларига меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган имтиёзлар, афзалликлар ва имкониятлар ҳақида батафсил маълумот ҳамда тушунчалар берилди. Шунингдек, вилоятда яшовчи бир қатор хотин-қизларга тикув машиналари топширилди.

● Андижон вилоятининг Олтинкўл тумани марказида замонавий маросимлар уйи бунёд этилди. “Олтинкўл тонги” хусусий корхонаси томонидан мукаммал таъмирдан чиқарилган ушбу кошонанинг биринчи қаватидан миллий таомлар ошхонаси ҳамда 10 та савдо дўкони жой олган. Уларда 30 га яқин киши меҳнат қилмоқда.

● Қўнғирот туманида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси томонидан “Қўнғирот — Устюрт темир йўл обод” паррандачилик корхонаси ишга туширилди. Замонавий технологиялар асосида сифатли парҳез маҳсулотлари тайёрланаётган мазкур корхонада айни пайтда 50 мингдан зиёд зотдор товуқлар парваришланмоқда. Корхона ишга туширилиши билан ўндан ортиқ ёшларнинг бандлиги таъминланди.

● Сирдарё вилоятининг Янгийер шаҳрида “Astro peigomed” даволаш-диагностика маркази фаолият бошлади. Барча замонавий қулайликларга эга мазкур клиникани ишга туширишда “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки Янгийер шаҳар бўлими томонидан ажратилган 100 миллион сўмлик имтиёзли кредитдан самарали фойдаланилди. Клиникада умуртқа поғонаси билан боғлиқ касалликлар замонавий аппаратлар ёрдамида самарали даволанмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

«(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, етказилган моддий зарар ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўллан-маслиги ҳақидаги қоидалар Жиноят кодек-сининг 11 моддасига қиритилди ва пиро-вардида озодликдан маҳрум қилиш тари-қасида жазо қўлланилган шахслар сони 2012 йилда 2000 йилдагига нисбатан икки бара-вардан кўпроқ қисқарди. Жумладан, жиноий жазоларни либераллаштиришга оид қонун қабул қилингандан бўён жиноят оқибатида етказилган 246 миллиард сўмдан ортиқ мод-дий зарар ўрнини қоплаган 23 мингдан ортиқ шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланган.

Этиборлиси, жиноий жазоларни либе-раллаштириш билан боғлиқ бу кенг қўлам-ли ислохотлар босқ ҳозирги пайтда қамок-дагилар сони бўйича Ўзбекистон жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткичга эга бўлиб турибди, яъни ҳар 100 минг на-фар аҳолига 166 киши тўғри ке-лади. Қиёслаш учун айтиш мум-кинки, ушбу кўрсаткич Россияда 611, АҚШда эса 738 нафар кишини ташкил этади.

— **Суд-ҳуқуқ ислохот-лари жараёнида халқи-мизнинг табииотида мос келадиган ярашув инсти-тutti ҳаётга татбиқ этил-ди. Мазкур амалиёт бу-гунги кунда нечоғли самара бермокда?**

— Шунн алоҳида таъкидлаш керакки, халқимизга хос бағри-кенглик, олиханоблик, йиқилганни суяш ёҳуд адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби қадри-ятлари ўзида мужассам этган ярашув инсти-тутuтининг амалиётга жорий этилиши жа-мийятимиз ҳаётида ўта муҳим воқеа бўлди. Чўнки ушбу институт замирида айбдорни му-қаррар ҳазога тортиш эмас, балки унга қил-мишидан тегишли ҳулоса чиқариб, ҳаётда яна тўғри йўлни топиб олиши учун имкон бериш каби инсонпарварлик тамойили му-жассам. Шу маънода, ушбу институт қутл-ган самараларни бермокда. Бунн у жорий этилгандан бўён ўтган давр ичида 127 минг 202 та иш бўйича 138 минг 165 нафар шахс-га нисбатан озодликдан маҳрум қилиш бил-лан боғлиқ бўлмаган жазо тури қўлланилг-ани нисолида ҳам яқол кўриш мумкин.

2001 йилда Жиноят кодексининг 26 та моддасидаги қилмишларга нисбатан бу ин-ститути қўллаш назарда тутилган бўлса, жо-рий йил 4 январда кўчга кирган “Ўзбекист-он Республикасининг айрим қонун ҳужжат-ларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинунга қадар эса Жиноят кодексининг 40 та моддасидаги жиноятларга нисбатан ярашув институтини татбиқ этиш мумкин эди. Мазкур янги Қонун билан Жиноят кодексининг 66’-моддасида-ги ярашув институтини қўллаш доираси яна-да кенгайтирилди. Булар қуйидагилардир: “Сохта банкротлиқи” (180-модда), “Банкрот-лиқни яшириш” (181-модда), “Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш” (189-модда) ва “Қонунга хилоф равишда аҳборот тўллаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш” (191-модда).

Шунн ҳам айтиш керакки, мазкур Қонун қабул қилинунга қадар ярашув институти кўпроқ шахсининг жисмоний дахлсизлигига таъовуз қилиш, белгиланган қоидаларни бузиш билан боғлиқ жиноятларга нисба-тан қўлланилган бўлса, эндиликда иқтисо-диёт асосларига қарши айрим жиноятларга нисбатан ҳам татбиқ этилиши назарда тутилмокда.

— **Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотлари янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жа-мийятини ривожлантириш концеп-циясида суд-ҳуқуқ ислохотлари билан боғлиқ бир қатор ғоялар ҳам илгари сурилганди. Бугунги кунда ушбу ҳужжат талабларидан**

келиб чиқиб амалга оширилаёт-ган чора-тадбирлар ҳақида тўхта-либ ўтсангиз.

— Маълумки, давлатимиз раҳбари то-монидан тақдим этилган Концепцияда қонун иҳодкорлигига ҳам алоҳида эътибор қара-тилган. Шундан келиб чиқиб, сўнгги йил-ларда бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Жумладан, жорий йил 4 январда кўчга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун шулар жумласидандир. Ушбу Қонун билан мамлакатимизда амалда бўлган Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Божхона ва Солиқ кодексларига ҳамда 15 та қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусу-сан, Жиноят кодексининг 41-моддаси, бе-шинчи қисм “Тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлари, шу жум-ладан, берилган кредитлар юзасидан банк-

қан шахснинг илтимосномасига биноан, Жи-ноят кодексининг 78-моддасида назарда ту-тилган муддатларнинг камида армн ўтал-ганидан кейин суд унинг судланганлигини олиб ташлайди.

Шундан келиб чиқиб, юқорида номи қайд этилган янги Қонун билан Жиноят кодек-сининг 79-моддаси янги иккинчи қисм бил-лан тўлдирилди: “Ушбу кодекснинг 178-184, 185-185’, 189-192-моддаларида назарда ту-тилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказмаганда, ушбу кодекснинг 78-модда-сида назарда тутилган муддатларнинг ка-мида тўртдан бир қисми ўтгандан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин”.

Муҳими, судланганлигини олиб ташла-ниш муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлишини иннобатга ол-сак, қайд этилган моддалар мазмунига кўра, жиноий жавобгарликка тортилиб, тайинлан-ган жазони ўтаган шахслар ҳуқуқ ва ман-фаатларини химоя қилиш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиши учун кенг имконият яратилди.

— **Президентимизнинг ўтган йилдаги “Суд тизими ҳодимлари-ни ижтимоий муҳофаза қилиши тубдан яхшилаш чора-тадбирла-ри тўғрисида”ги ва “Судлар фао-лиятини янада такомиллаштириш-га оид таъхилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари исло-**

хотларни янги босқичга кўтариш-га қаратилган билан ҳам аҳами-ятлидир. Ушбу ҳужжатлар асоси-да қандай чора-тадбирлар қўри-

лаппти?

— 2012 йилда Президентимизнинг суд-ҳуқуқ тизимиданги янгиланиш ва ўзгариш-лар жараёнини янги босқичга олиб чиқадиг-ан фармонлари қабул қилинди. Хусусан, “Суд тизими ҳодимларини ижтимоий муҳо-фаза қилиши тубдан яхшилаш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги Фармонда консти-туцийий суд, умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судлари судьяларининг ойлик иш ҳақи оширилиши ҳамда ойлик иш ҳақининг 50 фоизгича бўлган миқдорда ус-тама ҳақ тўланиши, судьялар хизмат вази-фаларини бажариши муносабати билан ола-диган даромади жисмоний шахслар даро-мадларидан олинадиган солиқ тўловлари-дан оозд қилиниши белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, судьяларга имтиёзли шарт-лар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш ҳамда туаржойлар икараси учун ҳар ойлик пул ком-пенсацияси тўлаб бориш назарда тутилган.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, 2012 йил 31 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга бино-ан, судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш ҳамда туаржойлар икараси учун ҳар ойлик пул ком-пенсацияси тўлаб бориш назарда тутилган. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, 2012 йил 31 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга бино-ан, судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби, уй-жойни ижа-рага олганик учун ҳар ойлик пул компен-сацияси тўлаш тартиблари юзасидан Низом тасдиқланди.

“Судлар фаолиятини янада такомиллаш-тиришга оид тахшилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонда эса бевосита суд қадрларини танлаш тизимини янада тако-миллаштириш билан боғлиқ вазифалар кўзда тутилган. Хусусан, судья лавозим-

лариға кадрлар захирасини шакллантириш тизимини тубдан ўзгартириш зарурлиги ҳар жиҳатдан асосланган. Зеро, судьяликка ном-зодлар яхши тайёргарлик кўрган, юқори ма-лакали, катта ҳаётий тажрибага, бенуксон обрў-эътиборга, иқтисоси бўйича, аввалам-бор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда зарур иш стажига эга бўлган юристлар ора-сидан танлаб олинишини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмокда.

Шу боис ҳам фуқаролик ва жиноят иш-лари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳамда ҳўжалик судининг судьяси лавозимига 30 ёшдан кичик бўлма-ган, олий юридик маълумотга, юридик иқ-тисос бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йил иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фу-қаролари тайинланиши белгилаб қўйилди.

Янги тизимга кўра, вилотат суди, унинг малака хайъати ўзи билганча захирани шакллантирмайди, судьяликка номзодлар-

ни белгиламайди, фақат судьялар захира-сини шакллантириш жараёнида иштирок этади. Захирани шакллантириш ишларига эса Олий малака комиссияси раҳбарлик қилади ва бу ишда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қатнашади. Эндиликда ушбу заҳира Ўзбекистон Республикаси Президентни ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича оли-маласа комиссиясининг судья қадрлари за-хираси, деб аталади. Заҳира 400-500 ки-шидан иборат бўлиб, у доим янгилаб борилади.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, Олий малака комиссияси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда за-ҳирада турган ёки судьялик лавозимига би-риччи марта тайинланган шахслар қасбий савиясини тубдан яхшилашни таъминлаш масъулияти юклатилди. Шунингдек, Олий малака комиссияси, Олий суд, Олий ҳўжа-лик суди, Адлия вазирлигига судьяларнинг хизмат ва мансаб поғоналари бўйича ўси-шини таъминлайдиган кафолатларни, улар-ни ижтимоий муҳофаза қилиш, шу жумла-дан, лавозимга қайта тайинлаш ёки вако-латлари тугагандан сўнг ишга жойлашти-риш даврида ижтимоий муҳофаза қилиш механизмларини кунайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оши-риш вазифаларни топширилди.

Қолаверса, судьяларни янги ваколат му-ддатиға ёҳуд бошқа судьялик лавозимига кўрсатиш бевосита умумий юрисдикция суд-лари судьялари олий малака хайъати, ҳўжа-лик судлари судьялари малака хайъати ор-қали Олий малака комиссиясига Берила-диган судьяларнинг аризалари асосида амалга оширилади.

— **Тизимда олиб борилаётган ислохотлар, кўп жиҳатдан, судья-лар биллими, малакаси, муҳими, уларнинг ҳалоллиги билан бево-сини боғлиқ. Шу маънода, нокону-ний хатти-ҳаракатлари билан суд обрўсига путур етказаятган судья-ларга нисбатан қандай чоралар қўриломкода?**

— Ҳеч кимга сир эмас, ҳаётда танлаган қасбига номуносиб, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган кадр ҳеч қачон, ҳеч кимга обрў-эътибор олиб кел-маслиги ҳақиқат, интилиш ва изланиш — муваф-фақиятлар омилдир. Шундан келиб чиқиб, тад-биркор айни пайтда корхона фаолиятини янада кенгайтириш, янги қувватларни ишга тушириш ҳамда бу орқали қўшимча иш ўринлари яратиш ҳаракатида. Хусусан, жамиятнинг ўзида бюрутма асосида тайёр бетон қорш, иншоотлар учун мах-сус темир-бетон плиталар, блоклар ишлаб чи-қариш режалаштирилмокда. Мазкур цехни мам-лакатимиз мустақиллигичинг 22 йиллиги арафа-сида ишга туширилш кўзда тутилган.

Умуман, яқунланган йилда Маҳаллийлашти-риш дастури доирасида вилотатдаги ишлаб чиқар-иш корхоналари томонидан 74,6 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди. Бу эса ҳудуд иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда аҳоли ички эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, Ш. ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

— **Хеч кимга сир эмас, ҳаётда танлаган қасбига номуносиб, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган кадр ҳеч қачон, ҳеч кимга обрў-эътибор олиб кел-**

Инвестициявий лойиҳалар ва самарадорлик

«(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, интилиш ва изланиш — муваф-фақиятлар омилдир. Шундан келиб чиқиб, тад-биркор айни пайтда корхона фаолиятини янада кенгайтириш, янги қувватларни ишга тушириш ҳамда бу орқали қўшимча иш ўринлари яратиш ҳаракатида. Хусусан, жамиятнинг ўзида бюрутма асосида тайёр бетон қорш, иншоотлар учун мах-сус темир-бетон плиталар, блоклар ишлаб чи-қариш режалаштирилмокда. Мазкур цехни мам-лакатимиз мустақиллигичинг 22 йиллиги арафа-сида ишга туширилш кўзда тутилган.

Умуман, яқунланган йилда Маҳаллийлашти-риш дастури доирасида вилотатдаги ишлаб чиқар-иш корхоналари томонидан 74,6 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди. Бу эса ҳудуд иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда аҳоли ички эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, Ш. ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Режалар таҳлили, амалий натижалар сарҳисоби

«(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вилотда йил мобайнида 2 минг 800 дан ортиқ янги кичик бизнес ва хусусий тадбир-корлик субъектлари рўйхатга олиниб, маз-кур тармокнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 60,1 фоизга етди.

Фаоллар ййгилишида, шунингдек, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижроси атрофлича таҳлил қилинди. Айтиш жоизки, дастур рўёби учун барча манба-лар ҳисобидан 292 миллиард 78 миллион сўм сарфланди. Хусусан, тижорат банкла-ри томонидан ёш оилалар даромади ва фаровонлигини ошириш, коллеж битирув-чиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 23 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ййгилишда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, муайян соҳаларда камчилик ва нуқ-сонларга йўл қўйилаётгани ҳам таъкидла-ниб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ййгилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Ибрагимов иштирок этди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ.

Жиззах вилоти

Фаоллар ййгилишини вилот ҳоқими С. Исмоилов олиб борди. Таъкидланганидек, ўтган йили вилотда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2011 йилдагига нисбатан 8 фоизни ташкил этди. Хусусан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 11,6 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги 6,8, капитал қўйилмалар 17,9, қурилиш иш-лари 13,1, чакана товар айлиниши 15,5, хиз-матлар кўрсатиш 18,6 фоизга ўсди. Ҳисобот даврида барча манбалар ҳисо-бидан 622,4 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилгани қайд этилди. Натижада 489,7 минг квадрат метр уй-жой, 269,4 километр имчиллик суви ва 45,6 километр табиий газ узатиш тармоқлари, 23,2 километр ҳўжалик-лараро коллекторлар қурилди.

майди. Айниқса, бу ҳолатни суд-ҳуқуқ тизи-ми мисолида олиб қарайдиган бўлсак, са-лоҳият ва қобилияти етарли бўлмаган, бун-дан ҳам ёмонн, ўз шахсий манфаати йўлида ўзгаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари-ни писанд этмайдиган судья ёки суд ходи-ми ноконуний хатти-ҳаракати билан нафа-қат ўз шаънига доғ туширади, балки жамо-атчиликнинг суд ҳоқимиятига бўлган ишончу эътиборига ҳам жиддий путур етказади.

Айтиш жоизки, ўтган йилда махсус ишчи гуруҳ томонидан қонумий юрисдикция суд-ларининг фаолияти атрофлича ўрганиб чи-қилди. Натижада ўз фаолиятида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйгани учун бир қатор судьялар лавозимидан озод этилди. Айни чоғда ўрганиш жараёнида вилот ва унга тенглаштирилган судларнинг қуйи судлар фаолияти устидан етарлича назорат олиб бормаётгани, судьялар биллим савиясини мунтазам равишда ошириб бориш, янги қабул қилинган қонунлар, қонунларга қири-тилаётган ўзгартиш ва қўшим-чаларни ўз вақтида ўрганиб, амалиётга татбиқ этиш бора-сида ҳам етарлича чид қарори суд томо-нидан бекор қилинишига ҳам табиий ҳол деб қараш керак. Ҳолбуки, бу борада ҳам судлар томонидан муайян ишлар амалга оширилмокда. Суд амалиётига назар сол-сак, фуқаролик ишлари бўйича судлар то-монидан туман ҳоқимларининг айрим қарор-лари бекор қилинган ҳолатлар ҳам кўзга ташланган. Масалан, 2011 йилда туман ҳоқимларининг фарзандликка олиш тўғри-сидаги 56 та, 2012 йилнинг 9 ойида эса 43 та қарори суд томонидан бекор қилинган.

Шунингдек, 2011 йилда фуқаролик иш-лари бўйича судлар томонидан тадбиркор-лар ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ 276 та иш қўрилган. Шундан 245 таси бўйича давво қаноатлантирилиб, 66 миллион сўм моддий зарар, 15 миллион сўм маънавий зарар ундирилган. Утган йилда эса 506 та иш қўрилиб, шундан 491 таси қаноатланти-рилган. Тадбиркорлар фойдасига 49 ми-ллион сўм моддий ва 31 миллион сўм маъ-навий зарар ундирилган.

Бундан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2011 йили ҳоқим-ларнинг уй-жойга нисбатан эгаллик ҳуқуқини белгиллаш тўғрисидаги 123 та қарори, 2012 йилда эса 159 та қарори бекор қилинган. Шу ўринда ҳақли савол туғиладики, дав-лат идоралари қарорлари суд томонидан нега бекор қилинади? Бунинг жавоби од-дий. Қонунга сид қарор қабул қилиндимн, у албатта, суд томонидан бекор қилинади. Бундай ҳолатларни бартараф этиш учун эса, аввало, фуқаролар ва раҳбар ҳодим-лар ҳуқуқий билимларини бугунги кун тала-би даражасида юксалтириш, жойларда ҳуқуқий тарбибот ишларини юқори савияда ташкил этиш, бунда замонавий услублар-дан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ-дир. Зеро, мақсадимиз қонунлар устувор бўлган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш экан, юртдошларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали улар-нинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъмин-лашга ҳар биримиз масъулимиз.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ сўхбатлашди.

Халқ сўзи

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Зарафшон шахрида 48 хонадонга мўлжаллан-ган кўп қаватли тураржой биноси фойдаланишга топширилди.

Ёш мутахассислар уйли бўлишди

1 миллиард 78 миллион сўмлик маблағ эвазига бунёд этилган ушбу мутхашсан уйларга Навоий кон-металлургия комби-натиға қарашли Марказий кон бошқармасида меҳнат қилаётган бир қатор ёш мутахассислар кўчиб ўтишди.

— Ўтган йили ҳам Зарафшон шахрининг ўзида шу каби икки-та кўп қаватли тураржой биноси фойдаланишга топширилган эди, — дейди Навоий кон-металлур-гия комбинатининг капитал-қури-лиш бошқармаси бошлиғи Ҳол-бек Мелихолов. — Замонавий услубда бунёд этилган уй-жой-ларда барча қулайлик мавжуд.

Обод турмуш йилида ҳам шу каби хайрли ишлар давом эттирилиб, Зарафшонда 3 та, Учқудуқ туманида эса 2 та кўп қаватли уй қурилиши режалаш-тирилган.

А. ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эҳтиёж ва таъминот

Бухоро вилотида фаолият кўрсатаётган фермер ҳамда якка деҳқон ҳўжаликларида айни пайтда 2,5 миллион бош парранда парвариш қилинмокда. Ўтган йили улар томонидан 217 миллион дона туҳум етиштирилди.

Бу эса истемолчилар эҳтиё-жини таъминлабгина қолмай, маҳсулот нарҳининг нисбатан арзон бўлишига ҳам олиб келди.

Хусусан, тадбиркор Гайбулла Андаев саяй-ҳаракати билан иш бошлаган “Пешқуларранда” фер-мер ҳўжалиғи “Ломани Браун” зотли товуқларни парвариш қилишни йўлга қўйди. Натижа эса ўзини узоқ куттирмади. Ҳозир бу ерда кунига 3,5 — 4 минг дона туҳум етиштирилиб, савдо шо-ҳобчаларига етказиб берилмок-да. Ҳўжаликда саккиз нафар ишчи меҳнат қилаётти.

Эътиборлиси, паррандачилик-ни ривожлантириш дастури дои-расида вилотда жорий йилда ту-хум етиштиришга иxtисослашти-рилган яна ййигрма бешта ҳўжа-лик барпо этиш мўлжалланмок-да. Бу эса паррандалар сонини 500 мингтага қўпайтириш имко-нини беради.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ички бозорга мавсумий либослар

Тадбиркор Каримжон Абдуллаев саяй-ҳаракати билан Чортоқ шахрининг Ифтихор маҳалласи ҳудудида жойлашган бўш турган маъмурий бино ишлаб чиқариш корхона-сига айлантирилди.

Ҳозир бу ерда хориждан кел-тирилган замонавий тикув даст-гоҳлари ёрдамида болалар ва катталар учун 10 дан ортиқ тур-даги мавсумий кийимлар тикил-мокда. Муҳими, 500 миллион сўм сарфланган лойиҳа шарофати билан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 50 нафари домий иш жойига эга бўлди.

Умуман, туманда бугунги кун-да 70 дан ортиқ ишлаб чиқариш субъекти барқарор фаолият юритмокда.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қурилиш учун асосий хом ашё

“Паркент тош каръери” масъулияти чекланган жамияти ҳудуддаги қури-лиш ташкилотларига сараланган тош ва кум етказиб бера бошлади.

Бунинг учун корхонада тиж-рат банкнининг молиявий кўма-гида қиймати 600 миллион сўмлик модернизация лойиҳаси амалга оширилди. Натижада бу ерда йилига 10 минг куб метр ҳажмида сифатли қурилиш хом ашёси қазиб олиш ва қайта иш-лаш имкони яратилди. Шу бил-лан бирга, қўшимча 10 кишининг бандлиги таъминланди.

Таъкидлаш лозимки, ўтган йили вилотда қурилиш матери-аллари саноатида қирққа яқин янги қуваат ишга туширилган бўлса, уларнинг 20 дан ортиғи техник ва техноложик жиҳатдан янгиланди.

Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Юқори кўрсаткични қайд этди



Ўтган йилнинг тўртинчи чорагида 17,7 миллион дона маҳсулот сотган корхона асосий рақобатчиси — “Samsung” (Жанубий Корея)ни ортда қолдирди. “Apple”нинг “iPhone 5” русумли смартфонларига талаб юқорилиги унинг бозордаги мавқеи мустаҳкамланишида муҳим омил бўлди.

“Samsung” ушбу даврда 16,8 миллион дона телефон сотган.

Акциялари қимматлашди

Электроника жихозлари ишлаб чиқарувчи Япониянинг “Panasonic” компанияси акциялари 17 фоизга қимматлашди.

Бунга 2012 йилнинг сўнги чорагида компания маҳсулотларининг савдо ҳажми ўсгани сабаб бўлди. Жумладан, “Panasonic” ушбу даврда 61 миллиард иена (658 миллион АҚШ доллари) миқдорда соф фойда кўрган. Ваҳоланки, аввалроқ таҳлилчилар корхона 17 миллиард иена зарар кўришини башорат қилишганди.

Компания фаолиятида бундай ижобий кўрсаткич охириги бор 1974 йилда қайд этилган.

Хакерлар ҳужуми



“Twitter” ижтимоий тармогининг хавфсизлик тизимига хакерлар томонидан ҳужум уюштирилди.

Кибержиноятчилар фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини олишга уринганлар. Натижада улардан 250 минг нафарининг логин, пароль ва электрон почталарига зарар етган. Шу боис “Twitter” маъмурияти фойдаланувчиларга мурожаат этиб, шахсий маълумотларини ўзгартиришни таклиф қилган.

Мазкур ижтимоий тармок 2010 йилда ҳам кибержиноятчилар ҳужумига учраган эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Эътироф

“Schulz aktiv reisetage” 20-Дрезден минтақавий сайёҳлик ярмаркаси доирасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг тақдими бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси томонидан Германиянинг “Schulz aktiv reisen GmbH” компанияси ва Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган “Turkestan Travel” сайёҳлик компанияси билан ўзаро ҳамкорликда уюштирилди.



Юртимиз сайёҳлик салоҳиятининг Дрездендаги тақдими

Қайд этиш жоизки, 1993 йилдан бери “Schulz aktiv reisetage” Дрезден минтақавий сайёҳлик ярмаркаси “Schulz aktiv reisen GmbH” фирмасининг кўп сонли мижозларини туризм борасидаги янги таклифлар ва йўналишлар билан таништириб боради. Аньана тусини олган мазкур анжуман дунёнинг 90 дан зиёд мамлакатини қамраб олган, жумладан, унинг доирасида Ўзбекистон бўйлаб туристик йўналишлар тақдим этилди.

Юртимизнинг бу соҳадаги имкониятлари ярмарка иштирокчилари ҳамда меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Улар Ўзбекистон, унинг бой тарихий-маданий мероси ва бугунги ҳаёти билан яқиндан танишиш имконияти яратилганидан мамнуният билдиришди. “Schulz aktiv reisen GmbH” сайёҳлик компанияси директори Франк Шульц “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан мулоқот чоғида ушбу ярмарка доирасида ташкил этилган мамлакатимиз тақдими-дан олган таассуротларини ўртоқлашди:

— Бу йил ярмаркамиз йиғирманчи мартаба ўтказилаётир, — деди у. — Ўтган давр

ида компаниямиз фаол ривожланиб боргани ҳолда, турли саёҳат сафарларини ташкил қилиш борасида етарли тажриба тўпладик. Бугунги кунда ўз мижозларимизга сайёҳлик соҳасидаги барча хизматларни таклиф этмоқдамиз. Шунга таъкидлашни истар эдимки, бу йўналишлар орасида Ўзбекистон алоҳида ўрин тутди. Дарҳақиқат, сайёҳлар ўртасида мамлакатимизга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораёпти. Бозор шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, биз ўз стратегиямизни ривожлантириш баробарида, мижозларимизга ҳам қизиқарли, ҳам мароқли саёҳатларни таклиф қилмоқдамиз.

Сўхбатимизга “Schulz aktiv reisen GmbH” компанияси вакили Б. Франци ҳам тортдик. Унинг маълум қилишича, Ўзбекистон 2010 йилда компаниянинг дастурига киритилган бўлса, 2011 йилдан эътиборан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган “Turkestan Travel” сайёҳлик компанияси билан ҳамкорликда илк саёҳат ташкил қилинган экан.

— Мен жаҳоннинг кўпгина давлатларидан бўлганман, — дейди у. — Бирок Ўзбекистон

ўзининг кўхна, бой ва ноёб меъморий ёдгорликлари ҳамда бошқа диққатга сазовар масканлари билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбек халқининг аъёналари ва меҳмондўстлиги ҳеч бир сайёҳни бефарқ қолдирмайди.

— Кўпдан бери Ўзбекистонга боришни, бу бетакор юрт бағрида жойлашган тарихий шаҳарларни ўз кўзим билан кўришни орзу қилиб келаман, — деди Дрезден шаҳрида истикомат қиладиган Моника. — Ёшлик чоғимда Бухоро ва Самарқанд ҳақида эшитган ва ўшанда менда бу орзу тугилганди. Жорий йилнинг ёзида “Schulz aktiv reisen” компаниясининг сайёҳлик йўлланмаси билан Ўзбекистонга боришни режалаштирдим.

Бўлажак сафарим қадим Шарқ муҳити билан ошно бўлиш, унинг ранг-баранг ва бой тарихий-меъморий ёдгорликларини ўз кўзим билан кўриш ҳамда ўзбек халқининг кўхна аъёналари ва замонавий ҳаёти билан яқиндан танишиш имконини беради, деб ўйлайман.

«Жаҳон» АА. Берлин

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:

пистоки рангли (защитный цвет) Д-13 мм.ли юлдузчалар, 10х45 мм.ли металл пластиналар, милиция ходимлари учун кокардалар, пистоки рангли аскарлар кокардалари, пистоки рангли умумқўшин эмблемалари, Д-13 мм.ли заррин юлдузчалар, 14 мм.ли зархалланган латун тугмалар, Д-22 мм.ли заррин юлдузчалар, денгиз тўлқини рангли «IV» шевронлари, «сон» рангли камуфляж «IV» шевронлари, денгиз тўлқини рангли «QQ» шевронлари, «кум» рангли камуфляж «IV» шевронлари, денгиз тўлқини рангли «Академия» шевронлари.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Талабгорлардан танловда қатнашиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб ўн иш кунни давомида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: (8-371) 281-43-73.

Сара уруғ — юқори ҳосил гарови

Испаниянинг «FITO SEMILLAS» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан маккажўҳори ва чорва озуқа экинлари уруғларини таклиф қилади.



УРУҒЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН ВА ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН.

Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99890) 935-88-46. Факс: (+99871) 257-58-61.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган оғиз аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Термиз тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2007 йил 3 сентябрдаги 19-2424-2929-сонли, 2012 йил 10 августдаги 19-0906/5591-сонли, 2010 йил 26 февралдаги 19-1003/2295-сонли, 2012 йил 3 майдаги 19-1002/5512-сонли, 2010 йил 8 ноябрдаги 19-1006/13585-сонли, 2011 йил 11 октябрдаги 19-1103-07/11837-сонли, 2010 йил 8 ноябрдаги 19-1006/7-13585-сонли, 2008 йил 15 декабрдаги 19-0605-9-5626-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, «Учқизил» ҚФЙ, Паррандачилик маҳалласида жойлашган, «Учқизил моддий-техника таъминот» МЧЖга тегишли бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:

1. Умумий фойдаланиш майдони 622,82 кв.м., 2 қаватли, 22 хонадан иборат, А литердаги таъмирталаб маъмурий бино. Бошланғич баҳоси — 115 070 825 сўм.
2. Умумий фойдаланиш майдони 27,32 кв.м., 2 қаватли, 2 хонадан иборат, Б литердаги таъмирталаб қоровулхона биноси. Бошланғич баҳоси — 6 369 179 сўм.
3. Умумий фойдаланиш майдони 319,20 кв.м., 2 хонадан иборат, М литердаги таъмирталаб иссиқхона. Бошланғич баҳоси — 13 413 281 сўм.
4. Умумий фойдаланиш майдони 41,89 кв.м., Р литердаги таъмирталаб бостирма биноси. Бошланғич баҳоси — 1 896 468 сўм.
5. Умумий фойдаланиш майдони 318,60 кв.м., 1 қаватли, 1 хонадан иборат, С литердаги таъмирталаб омборхона биноси. Бошланғич баҳоси — 26 969 975 сўм.

6. Умумий фойдаланиш майдони 387,28 кв.м., 1 қаватли, 1 хонадан иборат, Е литердаги таъмирталаб омборхона биноси. Бошланғич баҳоси — 38 894 142 сўм.
 7. Умумий фойдаланиш майдони 274,56 кв.м., 1 қаватли, 1 хонадан иборат, З литердаги таъмирталаб бостирма биноси. Бошланғич баҳоси — 12 430 041 сўм.
 8. Умумий фойдаланиш майдони 291,60 кв.м., 1 қаватли, 1 хонадан иборат, К литердаги таъмирталаб бостирма. Бошланғич баҳоси — 10 100 252 сўм.
 9. Умумий фойдаланиш майдони 360,0 кв.м., 1 қаватли, 1 хонадан иборат, Е литердаги таъмирталаб бостирма. Бошланғич баҳоси — 13 598 063 сўм.
 10. Умумий фойдаланиш майдони 60,80 кв.м., 1 қаватли, 3 хонадан иборат, Л литердаги таъмирталаб омборхона биноси. Бошланғич баҳоси — 7 276 018 сўм.
- Аукцион савдоси 2013 йил 22 февраль кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 20 февраль кун соат 18.00.
- Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
- Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.
- Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Телефон: (8-376) 227-57-94, www.1kms.uz
- Лицензия: RR-0001

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУҲЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҲОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа ҳоаялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга қумаклашади.

Танлов қуйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгिलाш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ҳоаялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ҳоаяларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

Ариза (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com
Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлажал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун БУЮРТМАНОМА

1. _____ (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2. _____ (тақдим этилаётган ҳоаявий лойиҳанинг тўлиқ номи)

3. _____ (Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— инвестиция таклифи;
— инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига қафолат бераман.

Ташкилот раҳбари _____ (имзо, мухр) (Ф.И.Ш.)

Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи.
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
 - номи ва реквизитлари;
 - асосий фаолият тури;
 - асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ҳамда ҳажми) ва молиявий кўрсаткичлари.
3. Негизида лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
 - корхонанинг номи ва реквизитлари;
 - асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
 - охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
 - умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
 - мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
 - кадрлар потенциали.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
 - 4.1. Маркетинг:
 - ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
 - дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
 - мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
 - маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
 - 4.2. Ишлаб чиқариш:
 - лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал-ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
 - зарур бўладиган ходимлар сони.
 - 4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
 - инвестицияларни йўналтириш—янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
 - 4.4. Молиялаштириш:
 - лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
 - объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
 - лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан қўтилаётган натижалар:
 - қўтилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
 - экспорт ҳажми.

Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лоийҳанинг номи ва жойлашган манзили)				
№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.1.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.1.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Хар иили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида			
6.1.	шу жумладан, экспорт учун	ўлчов бирлигига мувофиқ ўлчов бирлигига мувофиқ		

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Штрих-код сканерлари

Кассир иш жойи

Моноблоклар

Харидор дисплейи

Чеклар принтери

Тарозилар

ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторонлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.

Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАЙСИ қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz;
e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

«Бор эди инсон гули мақсуд анга»

Навоий “Хамса”сида қайд этилган мавзулар кўлами нихоятда кенг. Унда ҳаёт ҳодисотлари, инсон турмуши, ички кечинмалари билан боғлиқ барча жиҳатлар қаламга олинган.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Чунончи, шоир оламдаги барча нарсаларнинг яратилишидан мақсад инсон эканлигини “Лек боридин ғараз инсон эди” деб айтса, бошқа бир байтда:

*Бу чаман ўлмоғида мавжуд анга,
Бор эди инсон гули мақсуд анга,*
дея таъкидлайди.

Навоий элга наф келтириш, яхшилик қилиш, одоб-ахлоқи, саховати, қилмиши ростлик ва тўғрилиқ, сабр-қаноатли, шукр қилиб яшайдиган, ҳалол меҳнатни қадрлайдиган, ширинсўз, нафс ва тамадан йироқ кишиларни алоҳида қадрлайди. Инсоннинг суврати билан сийрати, яъни ташқи кўриниши билан ички дунёси мос тушиши лозимлигини уқтиради:

*Кимники, инсон десанг, инсон эмас,
Шаклда бир, феълда яқсон эмас.*

Етук инсоннинг кўнгли, сўзи, феъл-атвори, қилади-ган ишлари бир хил бўлади. Ҳақиқий инсон сабр-қаноатли, шукрлидир. Инсонни давлати, мол-мулки эмас, қаноати сарбаланд этади:

*Мулк ила ўзини демасил аржуманд,
Мулки қаноат била бўл сарбаланд.*



ул-аброр”да бу фикр яна ҳам чуқурлаштирилади:

*Бир анинг неъматига шукр эрур,
Кимсакки, шукр айласа кўпрак берур.*

Навоий асарларида, “Хамса”сида ҳам инсонийликнинг етакчи омили сифатида ўзгаларга яхшилик қилиш эканлиги кўп бор қайд этилади. Кимки ўзгаларга яхшилик қилиш, фойда келтиришни одат қилса, бундан ўзига кўпроқ фойда етади:

*Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзунга кўпрак дурур.*

Яхшилик қилиб яшаш — юксак саодат. Уни ҳамма ҳам қилолмайди. Яхшилик қилолмаган одам ёмонлик ҳам қилмаса, шунинг ўзи яхшилик қилиш билан тенг.

Навоий талқинича, дунёда бировга ситам етказиш, унинг қалбига озор бериш — ёмонлик нишонаси. Ёмонликнинг жазоси қаттиқ бўлади. “Фарҳод ва Ширин”да шундай байт бор:

*Бировгаким бировдин етти офот,
Ҳамониким қаттироқдур муқофот.*

Шоир “Хамса”да кўп ўринларда ана шу “офот” — ёмонликнинг натижаси — “муқофоти”ни кўрсатиб ўтади. Бу ҳазонинг мезони қандай? Навоий “Хайрат ул-аброр”да “бир ришта”на — кичик, ингичка ипча зиён етказишнинг “меvasи”ни муносиб нисбатлайди. Ана шу озор илон бўлиб қайтади. “Ришта” — кичиклик, озлик. Кимгадир берилган азобнинг миқдори. Унинг кўриниши, шакли илонга ўхшаб кетади.

*Кимсакки бир ришта еткурдинг зиён,
Қатлигга ул риштани билгил ийлон.*

Навоий “Хамса”сида “ришта” кўпгина тушунчаларни нисбатловчи сўз. У озор, тама, қўрқув, кўриниш ва айни пайтда гўзаллик ифодаси сифатида намоён бўлади. Юқоридаги байтларда ришта ўзгаларга етказиладиган озорнинг энг кичик шакли тарзида талқин этилиб, ундан келади-ган қулфатларнинг беҳадлиги кўрсатилган. Ана шу рўхдаги фикрлар қуйидаги байтда бошқачароқ баён этилган:

*Бировким тама риштае қилгўси,
Анинг бирда бўғийдин оқилгўси.*

Умуман, “Хамса” инсонийлик, маънавий етуқликдан сабоқ берувчи ўзига хос комусдир. Унда ёшу қари, эрқаку аёл — ҳамма-ҳамма учун ўғит бўладиган, ҳаёти давомида амал қилиши зарур бўлган кўпдан-кўп сабоқлар ўз ифодасини топган.

Тоҳир ХҲЖАЕВ,
Навоий давлат педагогика институти доценти.

2013 йил — Обод турмуш йили

Оила — инсоният тарихининг ҳамма давларида жамиятнинг негизи бўлиб келаётган муқаддас даргоҳдир. Ўтмишга назар ташласак, халқимизнинг энг бебаҳо анъаналари — ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик сингари инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланишининг гувоҳи бўламиз. Шу боис юртимизда ҳар бир оиланинг мустаҳкам қарор топиши ва ривожланиши давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, унинг маффаатларида мос равишда ҳуқуқий, маънавий, мафқуравий, демографик ва репродуктив асослари ҳам такомиллаштирилиб боришмоқда. Шубҳасиз, ушбу жараёнда Республика “Оила” илмий-амалий марказининг ҳам муносиб иштироки бор.

Юртимизда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис ушбу йўналишда кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар қабул қилинганлиги бежиз эмас. Жумладан, ўтган йилнинг Мустаҳкам оила йили, жорий йилнинг Обод турмуш йили дея номланишида ҳам оилага бўлган юксак эътибор мужассам. Жамиятимизнинг асосий негизи бўлган оила ва унинг муаммоларини ўрганувчи ташкилот сифатида тузилган Республика “Оила” илмий-амалий маркази ўтган йил беш йиллик фаолияти давомида юртимизда оила институтининг маъқеини ошириш, фуқароларни, биринчи навбатда, ёшларни унга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида бир қатор хайрли ишларни амалга оширди.

Шунингдек, Марказ ёшларни турли мафқуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг самаралли усулларини илмий асосда ўрганиш, жамиятимизга ёт бўлган турли ғоялар, терроризм ва ақидапарастлик, ахборот хуружларидан муҳофазалаш борасида самарали тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб бормоқда. Фуқароларда ҳуқуқий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, мамлакатдаги демографик вазиятнинг мўътадиллигига ҳисса қўшишга йўналтирилган илмий лойиҳаларнинг амалиётга жорий қилинаётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Эътироф этиш керакки, Марказимиз республика Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа



бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллалар, ўқув муассасаларида аҳоли ўртасида табиий саводхонлиқни ошириш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи борасида учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этмоқда. Ёшларни оилага тайёрлаш мақсад қилган қўриқ-танлов, учрашув ва семинарлар, кам таъминланган ҳамда ижтимоий қўмакка муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш сингари тадбирлар, шубҳасиз, оила мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда маҳалла маслаҳатчилари, мактаб ёки коллеждаги ёшлар тарбияси билан бевосита шуғулланувчи амалиётчи психолог, маънавий-маърифий ишлар бўйича мутасаддилар иштирокидаги оилалардаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш, оила аъзолари, айниқса, ота-она ва фарзанд ўртасида соғлом муносабатларни шакллантиришга қаратилган анжуманларнинг таъси-

ри натижаси айтганда, оиланинг тинч ва фаровонлиги ҳар биримиз учун олий неъмат. Зеро, оилада хотиржамлик бўлсагина, турмушимиз обод, маҳалламиз файзли, тараққиётимиз барқарор бўлади.

Ҳафиза МАМАДАЛИЕВА,
Республика “Оила” илмий-амалий маркази директори ўринбосари.



Фан ва техника янгиликлари

Ўзбекистон Миллий университети олимлари кичик ўлчамли композицион материал олиш усулини яратди.

Кичик ўлчамли кучланиш

Бунда термо-электр юритувчи кучнинг критик ҳолати ўрганилиб, натижада улардан кичик ўлчамли энергия манбаларини ташкил этувчи элементлардан фойдаланиш аниқланди. Эътиборлиси, мазкур унсурларнинг 120 тасини бири-бирига улаб, ҳосил бўлган ҳарорат градиенти асосида радиоприйёмникларнинг ишлаши учун етарли миқдордаги 6 вольтга тенг кучлини олиш мумкин.

Мазкур янгиликни амалиётга жорий этиш импортга бўлган аҳтиёжни қамайтиради. Шунингдек, бу технология Ўнги хавфсизлиги бош бошқармаси, Ўнги хавфсизлиги олий техника мактаби фаолиятида ҳам юқори самара беради.



Мамлакатимизда микро ва наноўлчамли кукунларни иккиламчи нурули спектрлари орқали аниқлашнинг илгор усули кашф этилди.

Илгор усул

Ушбу янгиликка Амалий физика илмий тадқиқот институти олимлари бош-қош бўлишди. Унга кўра, лазер нури ёрдамида ҳозир санавтада ишлаб чиқарилаётган яримўтказгичли ва диэлектрик кукунлар ҳамда уларнинг турли аралашмалар таркибидagi кичик миқдорини таҳлил қилиш ва аниқлаш имконияти юзага келади. Бинобарин, мазкур тезкор усул тадқиқотларга кетадиган вақт ва харажатларни анча қисқартиради.

Бу янгиликдан фармацевтика, озиқ-овқат сановати ва халқ ҳўжаллигининг бошқа соҳаларида кенг фойдаланиш мумкин.

Юртимизда гравитация кучлари асосида ҳавонинг атмосфера босимини прогностлаштириш амалиёти муваффақиятли синовдан ўтказилди.

Об-ҳавога аниқ прогноз

Бу услуб етти йил давомида Тошкент шаҳри бўйича берилган маълумотлар асосида апробациядан ўтказилди. Натижада ҳавонинг атмосфера босими динамикаси ҳисоб-китобини амалга ошириш имконини берувчи “Tashkent-Press” дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурий восита пойтахтимиздаги атмосфера босимининг ҳар соатлик прогнозини ишлаб чиқиш имконини яратди.

Айтми жоизки, “Tashkent-Press” дастури Pentium II ва ундан юқори оператив тезликка эга компьютерларга ўрнатиш учун мўлжалланган.

Илос РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Фан ва технологияларини ривожлантириш мувофиқлаштириш кўмитаси бўлим бошлиғи ўринбосари.

Танлов

Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон вилояти мусикали драма ва комедия театрида “Наврўз яллasi — 2013” анъанавий қўриқ-танлови бўлиб ўтди.

«Наврўз яллasi»

Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан ўн етти та бадий ҳаваскорлик жамоаси голиблик учун ўзаро беллашди. Якунда Балқич тумани маданият уйи қошидаги “Зилол” фольклор-этнографик халқ ансамбли биринчи ўринга лойик, деб топилди.

С. УСМОНОВА.

Реклама ва эълонлар

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ

томонидан стратегик инвесторларга таклиф

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодийёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ноҳор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш мақсадида ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

«Samarqand Aqua Line» МЧЖ — табиий тоза газланган ва газланмаган сув, табиий шарбат ҳамда консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй.
«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
Корхона манзили: Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.
«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ — шиша идиш ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
Корхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.
«Hazorasp Ta'mir Qurilish» МЧЖ — темир-бетон ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
Корхона манзили: Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Мустақиллик кўчаси.
«Mega-Beton» МЧЖ — темир-бетон ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
Корхона манзили: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Санавтчилар кўчаси, 1-«А» уй.
«Elite Stars Textile» МЧЖ — пахта толасидан калавa ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган.
Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.
Мурожаат учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти Ноҳор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этишингиз сўралади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (+99871) 120-36-04, (+99890) 969-90-98. Факс: (+99871) 120-45-64, 120-36-29.
uzpsbinvest@gmail.com psbinvest@gmail.com

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «Йилнинг энг фаол журналисти – 2012» танловига марҳамат!



Ҳурматли ҳамкасблар! Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни “Йилнинг энг фаол журналисти — 2012” республика танловига қатнашишга таклиф этади.

Танловга 2012 йилнинг 1 июнидан 2013 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва

радиоэшиттиришлар қабул қилинади. Материаллар танловга тахририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30, 35-хоналар.
Телефонлар: (8-371) 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. www.Journalist.uz

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 227 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона 233-52-55;
 Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСАЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
 Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
 Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
 Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
 Навбатчи — М. Ҳолматов.
 Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5